

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ОДДИЙ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАҚОЛЛАРНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

Навруз Эргашевич Мадалов

Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

[madalovnavruz@gmail.com](mailto:madalovnavruz@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги табиат ҳодисаси билан боғлиқ лексемалар оддий табиат ҳодисалари номи: шамол, шудринг, момақалдирак, чакмоқ, яшин, ёмғир, қор; табиий офат номлари: жала, сел, гармсел, бўрон, довул, қуюн, зилзила, вулқон, кўчки каби гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкинлиги таъкидланган ҳамда оддий табиат ҳодисалари номи билан боғлиқ мақоллар чоғиштира планда таҳлилга тортилган. Таҳлилга тортилган мақолларнинг синонимик ва антонимик хусусиятлари мисоллар асосида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** мақол, оддий табиат ҳодисалари номи, табиий офат номлари, антоним, синоним, табиат лексемали мақоллар.

### ABSTRACT

In this article, lexemes related to natural phenomena in English and Uzbek are the names of simple natural phenomena: wind, dew, thunder, lightning, lightning, rain, snow; It is noted that the names of natural disasters can be divided into such groups as: hail, flood, hurricane, storm, hurricane, tornado, earthquake, volcano, landslide, and proverbs related to the names of ordinary natural phenomena are analyzed in a cross-sectional plan. Synonymous and antonymic features of analyzed proverbs are studied on the basis of examples.

**Keywords:** proverbs, names of simple natural phenomena, names of natural disasters, antonyms, synonyms, proverbs with lexemes of nature.

### КИРИШ

Паремаларнинг келиб чиқиши, тарихан ривожланиши ва маъно хусусиятларини ўрганувчи паремиология бўлими фразеология билан чамбарчас боғлиқ. Паремиология тилда мавжуд бўлган турли хил ибораларни ўрганади, фразеология эса унинг бир қисми сифатида фақат кўчма маъноли турғун бирикмаларни ўрганади. Шу жиҳатдан улар ўзаро фарқланади, ўрганиш объектининг

бирлиги, яъни бир неча сўздан ташкил топган турғун, барқарор бирикмаларни текшириш улар ўртасидаги ўхшаш, умумий томони ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, паремаларни ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш халқнинг турмуш тарзи, мафқурасини, менталитетини англашга ёрдам беради. Уларда ифода этилган мазмун ўқувчининг маърифатини юксалтиради.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

3. Машарипова “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” номли ўқув қўлланмасида “Ўзбек халқ мақоллари мукамал бадиий ижод намунаси сифатида фольклоршунос ва адабиётшунослар томонидан ўрганилаяпти. Зеро, милоддан аввалги IV асрларда яшаган юнон мутафаккири Аристотель халқ ҳикматларини юксак баҳолар экан, “барча кишиларнинг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи эса ҳикматдандир”, – дейди.

Бундан ўн аср муқаддам яшаган донишмандлардан бири Унсур ал Маолий Кайковус эса “Қобуснома” асарида шундай дейди: “Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсен. Бу билан мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми-одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб, дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва бу топган нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишиларига қолдириб кетадилар”.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилишича, “парема” ва “паремия” атамаларимақол, матал, афоризм маъноларида ишлатилувчи синонимик, маънодош лексема ҳисобланади.

Инглиз тадқиқотчиси Жон Хейвуднинг “The dialogue of proverbs”(1546) тўпламига 1267 та мақол ва иборалар кирган. Кейинчалик 1670 йилда Жон Рей “A collection of English proverbs”, 1855 йилда Боннинг “Мақоллар” китоби, 1870 йилда Хацлиттанинг “Инглиз мақол ва мақолсимон иборалари” номли тўпламлари нашр этилди.

Америкалик тилшунос А.Дандес тил босқичларига қуйидагича таъриф берган. Унинг назарида мақоллар:

1. Содда ва мураккаб гап шаклларига эга.
2. Автор (муаллифлар)га эга эмас.
3. Мақоллар катта масалаларнинг қисқача ечимидир.
4. Инсонларнинг барча ҳаётий тажрибасининг аксидир.
5. Маълум бир таълим ва тарбия тушунчаларини кенг ёйиб кўрсатади.

Табиат ҳодисалари билан боғлиқ лексемаларни инглиз ва ўзбек халқ мақолларида намоён бўлишини ҳамда табиат ҳодисали мақолларни семантик таснифлаш орқали этноснинг қарашларини, урф-одатларини билиш мумкин.

Маҳаллий олима Д.Ваққосованинг фикрларини қўллаб – қувватлаган ҳолда табиат ҳодисали лексемаларни **оддий табиат** ҳодисалари номи: изғирин, шабада, шамол(ел), шудринг, киров, момақалдиروق, чакмоқ, яшин, ёмғир, қор; **табиий офат** номлари(эсиш, ёғиш, ёниш, силкиниш ҳаракатли анемонимлар): жала, сел, гармсел, бўрон, довул, қуюн, зилзила, вулқон, кўчкикабигурухларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунга асосан, халқ мақолларини **оддий табиат** ҳодисалари номи билан боғлаб таҳлилга тортдик. Масалан, қуйидаги шамол семали мақоллар синонимик қаторини олиб кўрайлик: Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас; Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас, Олов бўлмаса мўридан тутун чиқмас; Шамол кўзга кўринмаса ҳам, шамни ўчирар; Шамол кўзга кўринмас, лекин шамни ўчирар; Шамол турса, теракнинг боши тебранар; Шамолга қарши тупурма, Юзингга тушар; Шамолимни сўкмагин, Тузимни ерга тшкмагин; Шамолли кун қичқирма, Товушинг зое кета; Шамолли кун қичқирма, Довушинг зое кетар.

Инглиз тилида **оддий табиат** ҳодисалари номи билан боғлиқ мақоллар. Масалан, A year of snow, a year of plenty (Бир йил қор, бир йил мўл), Year of snow fruit will grow (Қор йили мева ўсади.).

Ўзбек халқ мақоллари орасида антонимик муносабатга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: Совуқ оёқдан урар, Иссиқ — бошдан; Қишнинг совуғида тўнгандан, Ёзнинг иссиғида ўлган яхши. Қишнинг қори — ёзга.

Инглиз халқ мақолларига эса антонимик муносабатга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: Rain, rain, go away, come again another day.

## ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, табиат ҳодисалари билан боғлиқ мақолларни таҳлил қилиш орқали икки этнос маданиятини, маънавиятини билишга асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, икки халқ мақолини маъно-мазмунини тенг бўлгани билан уларда ишлатилган айрим сўзлар фақат шу тилга оид лексемалардир ва ҳар иккала халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган одатларини ифодалайди. Бу эса икки халқнинг лингвомаданиятида фарқ борлигидан далолат бериб турибди.

## REFERENCES

1. Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди (ўқув қўлланма). – Тошкент: “Фан”, 2007. –115 б.
2. Taylor A. Problems in the study of proverbs. The Journal of American Folklore [Vol. 47, No. 183 \(Jan. - Mar.,1934\)](#), P. 1-21.
3. Dundes A. On the structure of the Proverb, in Mieder, W. & A. Dundes. The Wisdom of many: Essays of the Proverb. Madison, Wisconsin: University of Wisconsin Press. 1994. –352 б.
4. БАХРИТДИНОВИЧ, R. K. The Approach of Paremiology in Parallel Corpora. JournalNX, 6(05), 216-222.
5. Ruziev, K. B. (2020). Proverbs and corpus linguistics. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (6), 64-67.
6. Ruziyev, K. (2021). Paremiological units and their differences. InterConf.
7. Ruziyev, K. (2021). Etymology of the word and term paremia. InterConf.
8. RUZIYEV, X. B., & SIDIKOVA, S. A. K. (2019). Translation problems of proverbs and some special tip for translating from english into uzbek. Наука среди нас, (5), 100-105.
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/paremiologiya-uz/>

